# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 103 (8.993) * 1997 йил 8 сентябрь, душанба * Сотувда эркин нархда




Фуқаро авиациясига қарашли 243-таъмирлаш заводида жуда масъулиятли вазифалар бажарилади. Гап қудратли ҳаво кемаларини созлаш ва таъмирлаш ҳақида кетаётганлигини жуда тўғри англадингиз. Демак ҳар бир ишчи ўз вазифасига катта масъулият ва сидқидиллик билан ёндошиши керак. Тўхтамурод Қорабоев (тепадаги сурат) ўз касбининг нозик сирларини пухта ўзлаштириб олган фидойилардан биридир. Мана 30 йилдирки, ҳар эрта тонг у ўзининг қадрдон корхонаси томон йўл олади. Кун бўйи ғайрат кўрсатиб ишлаб уйига — қадрдон оиласи бағрига меҳнатдан кўнгли шуурга тўлган ҳолда қайтади.

Заводнинг таъмирлаш шохобчасида

Саноат

## ТАЪМИРЛОВЧИЛАРНИНГ УНУМЛИ ИШЛАРИ



(ўртадаги сурат) ҳам иш суръати бир зум пасаймайди. Бу ерда ишчилар қудратли ҳаво кемаларини пухта ва соз таъмирдан чиқармоқдалар. Корхонанинг бўёқ шохобчаси (пастдаги сурат) ишчиларининг қўли-қўлига тегмайди. Бу ерда самолётларга сайқал берилади.

Бир сўз билан айтганда, таъмирловчиларнинг шу кунлардаги иши жуда унумли бўлмоқда. Бунинг боиси жамоа ҳар бир аъзосининг топширилган вазифага бўлган масъулияти ва ўз касбига бўлган садоқатидадир.

*Саид БОТИРОВ.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*



*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

## ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ ЎТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚЎШИНЛАР САФЛАРИДАН ЗАХИРАГА БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафларидан захирага бўшатилсин.

2. 1970 — 1979 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 1997 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

*Вазирлар Маҳкамасининг Раиси*
*И. КАРИМОВ.*

Тошкент шаҳри,
1997 йил 5 сентябрь.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

*ЯНГИЛИКЛАР*
*ВОҚЕАЛАР*
*ХАБАРЛАР*

Маънавият

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

***Ўтган йили мамлакатимиз Мустақиллигининг беш йиллиги нишонланганидан сўнг Президентимиз чиқарган дастлабки фармонларидан бири «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги бўлди. Орадан ўтган бир йил давомида марказ томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази Тошкент шаҳар бўлими бошқарувининг раиси, профессор Садир Салимов шундай деди:***

— «Маънавият — қудратли куч». Шундай экан, бу ишга сарфланган бир соат кўп йилларга татийдиган натижалар бериши мумкин. Бир йил давомида қилинган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида эса, табиийки, кўп гапириш мумкин.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази ўтган давр мобайнида талайгина ибратли ва хайрли ишларни амалга оширди. Жумладан, маҳаллаларда кам таъминланган оилалар болаларига ёрдам пули бериш жараёнида уларнинг бевосита иштирокида адолат тамойилларига амал қилиниши асосий эътиборда бўлди. Жорий йилда амалга оширган ишларимиздан бири корхона, ташкилот, муассасаларда ҳамда ҳарбий қисмларда турли мавзулардаги тадбирларни ўтказиш бўлди. Томчи тошни ёради, деганларидек тинимсиз олиб борилган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Бугунги кунда марказ олдида маънавият ва маърифат тадбирларини белгилаш, жаҳонда юз бераётган янгилик ҳамда ўзгаришларни ўрганиб, республикамизга ёйиш, тарихий, миллий қадриятларни тиклаш каби вазифалар турибди. Айни пайтда жойларда «Маънавият ва маърифат» хоналарини ташкил этмоқдамиз. Шундай хоналардан бири Тошкент меъморчилик-қурилиш институтида тузилди. Бундай хоналар замон талаби даражасида такомиллашиб бориши зарур. Айтишларича, Жанубий Кореяда ҳар бир корхона ва ташкилотда маънавият-маърифат хонаси мавжуд экан. Шу сабабли улар иши юришганлигининг гувоҳи бўлдим. Мен бу билан маънавият билан иқтисодий тараққиёт бир-бирига чамбарчас боғлиқ демоқчиман. Чунки маънавият ижодкорликни ривожлантиради.

«Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ва «Маҳалла» жамғармалари билан биргаликда кўплаб тадбирлар ўтказади. Яқинда бўлиб ўтган «Маҳалла куни» тадбирини ҳам ўзаро ҳамкорликда ташкил этдик. Бундан ташқари Тошкент Давлат университети, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Давлат техника университетларида ҳам маънавият ва маърифат ишлари жуда яхши йўлга қўйилган. Шу сабабли сентябрь ойида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан махсус кенгаш ўтказиб, илғорлар тажрибасини ёйиш кўзда тутилган.

Ҳозир марказ ўз ишини тўққиз йўналишда олиб бормоқда. Булар жамоатчилик фикрини ўрганиш ва маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш ва ҳуқуқий тарбия, маданият ва таълим масалалари, ёшларни миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарихий қадриятларни, маданий меросни сақлаш, янги миллий анъаналарни ҳаётга тадбиқ этишдир. Бундай ишлар вақт ўтиши билан ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёт мазмунига айланишига ишонаман. Чунки маънавият мамлакатимиз тараққиёти йўлининг устувор йўналишидир.

*Наргиза ПИРНАЗАРОВА ёзиб олди.*

***• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги фармонининг бир йиллигига бағишланган махсус саҳифа материалларини «Оқшом»нинг учинчи бетида ўқийсиз.***

Воқеа арафасида

## ЖАВОҲИРЛАР КЎРГАЗМАСИ

***Ҳиндистондаги кўҳна Рампур давлатининг Разо кутубхонаси Марказий Осиё минтақасидаги қадимги қўлёзмалар сақланадиган энг йирик жавоҳирлар хазинасидир. Унда 1930 йилда 9 минг 90 дона қадимги қўлёзмалар бор бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 15 минг нусхага етди.***

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси ташаббуси билан Рампур кутубхонасидаги нодир қўлёзмалардан ташкил топган кўргазма Тошкентга олиб келинди.

ЭРТАГА

***Темурийлар тарихи давлат музейида Ҳиндистон Мустақиллигининг 50 йиллиги ва Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган ушбу кўргазма очилади.***

Кўргазмани Рампур ҳукмдорларининг авлоди навоб Козим Али Хон олиб келади. Кўргазма 13 сентябргача давом этади. 15 сентябрда эса Бухорода намойиш этилади.

Кўргазмадан 160 га яқин араб, турк, форс тилларида ёзилган қўлёзмалар ўрин олган.

Рампур кутубхонаси 1794 йилда Рампур давлати билан бир пайтда ташкил топган. У навоб Саййид Файзуллоҳ Хон Баҳодирга қарашли бўлган. Ўз вақтида кутубхона Тош Хонанинг бир қисми саналган. Тахтга Файзуллоҳ Хон Баҳодирнинг невараси Саййид Муҳаммад Саид Хон Баҳодир ўтиргач, кутубхона алоҳида бинога кўчирилади ва «Кутубхонаи Дорул Риёсат» деб аталади. 1865 йилда тахтни навоб С. Қалбий Али Хон Баҳодир эгаллайди. У тарихда қўлёзмалар ва миниатюраларнинг шайдоси, билим ва санъатнинг ҳомийси деб ном олган. Унинг даврида кутубхонадаги барча қўлёзмалар урду тилида ёзган машҳур шоир, мунший Амир Минаий раҳбарлигида рўйхатга олинади. Унинг набираси С. Ҳамид Али Хон Баҳодир ҳам бобосининг ишларини давом эттиради, қўлёзмалар ҳақидаги рўйхатни икки жилдда чоп эттиради.

1930 йилдан бошлаб Рампурнинг навоби доктор Саййид Разо Али Хон Баҳодир жаноби олийлари аввалги аждод ва авлодларидан ҳам кўра кўпроқ кутубхонага эътибор беради.

Кутубхона Рампур қалъасида жойлашган. Ниҳоятда кўркам бу бино икки қаватли бўлиб, гўё Шарқ ва Ғарб меъморчилигини ўзида мужассам этган.

Кутубхонада куфий ҳарфида ёзилган Амир Ал-Мўминин Али бин Абу Толиб ал Қурайший ал Ҳошимийга нисбат бериладиган тилло суви юритилган Қуръони Қарим, Ҳиндистон шоҳи Бобурнинг «Рисолаи туркий» манзумаси, Муҳаммад Афзал Бухорийнинг кўпроқ «Малфузати Соҳибқирон» номи билан машҳур бўлган «Тузуки Темурий», Хотифийнинг «Темурнома», Ҳофиз Муҳаммад Фозилхон бин Қосимхон Баравийнинг «Сафарномаи Бухоро», Файзуллохон бин Абдул Ваҳобхон томонидан кўчирилган «Насабнома», Абдулфазл Муҳаммад Аббоснинг «Қайсарнома», Улуғбек бин Шоҳруҳ бин Темурнинг «Зижи Улуғбек» сингари бебаҳо қўлёзмалар мавжуд.

Юқорида тилга олинган ва бошқа қўлёзмалар кўргазмада намойиш этилади. Ўйлаймизки, кўргазма илм аҳллари, маънавиятимиз юксалишида фидойилик кўрсатаётган барча ҳамшаҳарларимизни бефарқ қолдирмайди.

*Ғолиб МИРЗО.*

Теннис

## УЧ ҲАМШАҲРИМИЗ — ЭНГ КУЧЛИЛАР САФИДА

КЕЧА

«Юнусобод» теннис кортларида Президент Кубоги доирасида саралаш беллашувлари бўлиб ўтди. Майдонга тушган 32 теннисчи орасида А. Мальцев, Т. Хонхўжаев, Ғ. Раҳматуллаев, У. Мусаев, Д. Курматов, А. Иванов, Д. Мазур, В. Куценко, Д. Томашевич, А. Кокурин, Т. Ғаниев каби ҳамюртларимиз бор эди. Собиқ Уимблдон чемпиони австралиялик Пат Кешнинг саралаш мусобақаларида иштирок этгани ҳам унинг қанчалик кучли теннисчилар иштирокида ўтганидан далолат беради.

Қуръага кўра асосий мусобақаларга йўлланма берадиган финал беллашувларидан бирида О. Огородовдан кейинги энг кучли икки теннисчиларимиздан Дмитрий Томашевич ва Тимур Ғаниевлар ўзаро беллашишди. Ғаниев ғалаба учун қанчалик ҳаракат қилмасин ушбу ўйинда Томашевичнинг бой тажрибаси қўл келиб учта сетда у 6/1, 4/6, 6/2 ҳисобида устун келди. Ўз ҳамюрти Бехрни 4/6, 7/6(5), 6/3 ҳисобида доғда қолдирган Уидэнфильд (Исроил), Карстенни 6/3, 6/4 ҳисобида енгган Уилгрен (Исроил) ҳамда барча рақиблари устидан катта маҳорат билан устун келган россиялик Столяровлар ҳам асосий мусобақаларда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Ҳа, қуръа баъзан кутилмаган натижаларга олиб келиши мумкин. Чунончи, Д. Томашевич биринчи беллашувдаёқ турнирнинг энг кучли ўйинчиси Е. Кафельников билан куч синашади. О. Огородов эса швейцариялик Иво Хойбергерга қарши майдонга тушади. Энг кучлилар сафига тушган учинчи ҳамшаҳримиз Абдуҳамид Маҳкамов эса исроиллик Эял Эрлихнинг кучини синаб кўради.

*Дилшод ИСМОИЛ.*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги учун халқаро мусобақаларнинг очилишига бағишланган материалларни газетамизнинг тўртинчи саҳифасида ўқийсиз.***

# БУГУНГИ КУН НАФАСИ

## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 сентябрь куни Япония иқтисодий режалаштириш давлат вазири Таро Асо раҳбарлигидаги ушбу мамлакат ҳукумати делегацияси ҳамда «Кейзай Доюкай» — япон корпорациялари раҳбарлари уюшмаси президенти Коичи Минагучи бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

● Вазирлар Маҳкамасида Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга қишлоқ хўжалиги техникаси ва ускуналари етказиб бериш учун 400 миллион иена, Ўзбекистон Давлат санъат музейи учун эса 38,8 миллион иена миқдорида маблағ ажратиш тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

● Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссиясининг 6 сентябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида нақд пул эмиссиясини қисқартириш бўйича амалга оширилаётган ишлар муҳокама этилди.

● Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши инсон манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмалари билан оммавий ахборот воситалари ҳамкорлигига бағишланган учрашув ўтказди.

● Балиқчи тумани марказида 1200 савдо ўрнига эга бўлган, ёзу қиш ҳаво мўътадиллиги таъминланадиган ёпиқ бозор мажмуаси қуриб битказилди. Бу ерда шунингдек, 60 та дўкон, меҳмонхона, ошхона, чойхона ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

● Оҳангаронда Туркиянинг «Ойлин Гида Санай» фирмаси билан ҳамкорликда кунига 5 турдаги 4,5 тонна қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона иш бошлади. Яқин вақт ичида у лойиҳа қувватига етгач, бу ерда кунига 15 тонна қандолат маҳсулотлари тайёрланадиган бўлади.

## ЖАҲОНДА

● Бугун Бирлашган тожик мухолифатчиларининг етакчиси Саид Абдулло Нурийнинг Теҳрондан Душанбега келиши кутилмоқда. У бошқа тожик мухолифатчилари билан биргаликда Тожикистон мустақиллигининг 6 йиллигини байрам қилиш тантаналарида иштирок этади.

● Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Афғонистонда бир-бирига қарши турган кучларни Бишкекда тинчлик музокараларини ўтказишга таклиф этди. Бу таклиф Бирлашган Миллатлар Ташкилотига ҳам юборилди.

● Россия Президенти Борис Ельцин Москванинг 850 йиллигини байрам қилиш тантаналарида иштирок этиш учун келган Белоруссия, Қозоғистон ва Молдова президентлари билан учрашиб, икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этди.

● Қоҳирада Миср Президенти Ҳусни Муборак, Иордания подшоси Ҳусайн ва Фаластин раҳбари Ёсир Арофат ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Улар АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайт хонимнинг шу чоршанба куни Яқин Шарққа ташрифи арафасида ўз нуқтаи назарларини мувофиқлаштириб олдилар.

● Исроил маъмурлари Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида террорчилар билан ҳамкорликда шубҳа қилинган 170 нафар фаластинликни ҳибсга олди. Шу билан бир қаторда Исроил Қуддусда ишлаётган фаластинликларга шаҳарга киришларига ижозат бера бошлади. Маълумки, Қуддуснинг амалий марказида уюштирилган 3 та портлашдан сўнг фаластинликларнинг бу шаҳарга кириши тақиқлаб қўйилган эди.

● АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси бўлажак молиявий йилда хорижий мамлакатларга 12,3 миллиард доллар миқдорида ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади. Бу маблағнинг 625 миллион доллари собиқ СССР республикаларига мўлжалланган.

● Хитой Эрон ва Ироққа қурол-яроғ етказиб бераётганлиги тўғрисида айрим оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган хабарларни қатъиян рад этди. Пекин БМТнинг бу мамлакатларга қурол-яроғлар сотиш тўғрисидаги барча қарорларига қатъий риоя қилаётганлигини билдирди.

● Бугун Тоғли Қорабоғ янги президенти этиб сайланган Аркадий Лукасяннинг лавозимини тантанали эгаллаш маросими бўлади.

● Гаванадаги учта меҳмонхонада портлаш рўй берди. Бунинг оқибатида италиялик битта тижоратчи ҳалок бўлди. Куба ички ишлар вазирлиги бу портлашлар мамлакат халқаро туризмини ривожлантиришга зарба бериш мақсадида амалга оширилган, деб баёнот берди.

● Бутун жаҳонда хайрия ишлари билан машҳур бўлган, раҳм-шафқат орденига асос солган Она-Тереза вафоти муносабати билан бугун Ҳиндистонда умуммиллий мотам куни эълон қилинди. 87 ёшида вафот этган Она-Терезанинг дафн маросими 13 сентябрь куни Калькуттада ўтказилади.

● Молдова Президенти Петру Лучинскининг Францияга расмий ташрифи давомида икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

● 2004 йилги Ёзги Олимпия ўйинлари Греция пойтахти — Афинада ўтказиладиган бўлди. Бу Ёзги Олимпия ўйинлари мезбони бўлишга Рим, Стокгольм, Буэнос-Айрес ва Кейптаун шаҳарлари ҳам даъвогарлик қилган эдилар.

Франция — 98

## ҲИМОЯ ОҚСАДИ

Осиё зонасида 1998 йили Францияда ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионатига саралаш беллашувларининг иккинчи босқичи ҳам бошланди.

КЕЧА

«Б» гуруҳида тўп сураётган Ўзбекистон миллий терма жамоаси Токиода ўзининг асосий рақибларидан бири — Япония терма командаси билан куч синашди. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, ушбу ўйинда терма жамоамизнинг ҳимоя чизиғи жуда бўш ҳаракат қилди. Натижада дарвозабонимиз Павел Бугало қанчалик ҳаракат қилмасин, ҳамюртларимиз 6:3 ҳисобида мағлубиятга учрашди. Рақибларимиз таркибида Казиоши Миуранинг бир ўзи тўртта тўп киритди. Терма жамоамиз таркибида эса «Навбаҳор» ҳужумчиси Олег Шацких маҳорат билан ўйнаб, икки тўп киритди. Бироқ нима бўлганда ҳам ҳали олдинда 7 та беллашувлар турибди ва кейинги учрашувларни йиғинчоқлик билан ўтказсак, Францияга йўлланма олишимиз мумкин.

Шанба куни эса Сеулда Жанубий Корея терма жамоаси қозоғистонлик чарм тўп усталарини 3:0 ҳисобида мағлуб этишди.

Ҳозир ушбу гуруҳда учтадан очко жамғарган Япония ва Жанубий Корея футболчилари олдинда боришмоқда.

*Даврон НУРМАТОВ.*

ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОҚЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР ✓ ЯНГИЛИКЛАР ✓ ВОҚЕАЛАР ✓ ХАБАРЛАР

